

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

13 октябр куни Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, аввало, кейинги пайтда Андижон вилоятида вужудга келган аҳвол, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдиэларига эътиборни қаратди.

Президентимиз ўтган йилнинг май ойида рўй берган Андижон воқеалари халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан ташкил этилганини яна бир бор таъкидлади. Бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдарилга қаратилгани бугун барчамизга аён.

Андижон вилоятида содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бар тараф этиш, вилоятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ислохотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуватимиз томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Андижон вилояти-ни 2005-2006 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш худудий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз шу ўринда одамларнинг кундалик ҳаёти ва кайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа ва тармоқлар ривожини билан боғлиқ баъзи му-

ҳим рақамларга эътиборни қаратди.

Андижон вилояти бўйича электр тармоқларини ривожлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида қўшимча равишда 470 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 4,7 миллиард сўм, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича жами 900 миллион сўм, йўл қурилиши ва кўприкларни капитал таъмирлаш учун 695 миллион сўм, чегара худудларидаги уй-жойларни таъмирлаш, тартибга солиш бўйича 934 миллион сўм ҳажмида иш бажарилгани йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган умумдавлат дастурларига мувофиқ вилоятда 2005 йилда 9 та даволаш муассасаси ва 17 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Бу вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида 64 та мактаб капитал, 13 та мактаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-хунар коллежининг фойдаланишга топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва хунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса ижтимоий соҳаларда жиддий

хатоларга йўл қўйилган.

Ким қандай яшашпти, ҳар қайси оиладан қанча одам ишлайди, қанчаси ишсиз, улар рўзгорини қандай тебратяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, вилоятнинг мутасадди раҳбарлари бош қотирмаган, деди Президентимиз.

Мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва туманлари ўз шартнома мажбуриятларини ошириб бажараётган бир пайтда Андижон вилоятида пахта йиғим-терим суръати кундан-кунга пасайиб бораётгани, вилоятнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши хавф остида қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Афсуски, бундай ачинарли ҳолат бу ерда кейинги йилларда сурункали тус олмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича давлатга салкам 45 минг тонна пахта хомашёси етказиб берилмади, 11,5 миллиард сўм ҳажмидаги даромад бой берилди. Бошқача айтганда, хўжаликлар, умид билан меҳнат қилган одамлар шунча бойликдан маҳрум бўлдилар.

Ишга эскича ёндашув, одамларда

ерга ва мулкка эгалик ҳиссиёти, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғота олмаслик оқибатида вилоятда фермерларнинг ялпи ҳосил миқдоридagi улуши республика бўйича энг паст даражани ташкил этади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Сайдулло Бегалиев Андижон вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримов тавсиясига кўра, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Т.Топполдиев, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Н. Саидов, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ў.Ҳайдаров, Улуғнор туманидаги «Ишонч» фермер хўжалиғи раҳбари С.Жўраев, «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори Ё.Одилов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси бошлиғи О.Абдураимов Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш андижонликларнинг бугунги кундаги асосий бурчи ва вазифаси эканини таъкидладилар.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Саид ШУКУРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Т.Усмоновни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102- моддаларига мувофиқ;
Аҳмад Тугилович Усмонов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

С.Бегалиевни Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102- моддаларига мувофиқ;
Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 октябр



Олтин кўз манзаралари

Саҳифаларда:

Ота номи улуг унга сира гард юқмасин

Ота-она... Бу сўз ҳар бир фарзанд учун азиз ва қадрли. Оила дея аталмиш шоҳ асарнинг ижодкорлари — эркак ва аёлнинг ота-она сифатидаги мавқеи азалдан мустаҳкамлаб қўйилган, яъни ҳар бир оилада ота-онанинг ўз ўрни бўлмоғи лозим.

4

Қора зов

Кунини бўйи томоғимдан ҳеч нарса ўтмади, онам тайёрлаб берган егуликларни очиб ҳам кўрмадим, тоғ лоласининг атиги биттасини ҳам узгим келмади. Пешинда Қора зовга кетган синф раҳбаримиз ва икки ўқитувчи қайтиб келди. Улар йиғит ҳам, қиз ҳам Тоғ қишлоқлик эканини, бундан уч кун олдин турмуш қуришиб, бугун қишлоқ одатига кўра тоққа саёҳатга чиққанини, уч кунлик келинчакнинг бошидан қаттиқ яраланиб, шу заҳоти жон берганини куюниб гапириб беришди. Улар Тоғ қишлоқликларни воқеадан хабардор этиб келишган экан.

10

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларни ижтимоий мадад қилишни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 12420 сўм;
ёшга доир пенсиялар - ойига 24600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд - ойига 12420 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 24600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 14900 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар

ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетни ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 ноябри-

дан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 октябрь

Шу сонга хабар

Фойдали учрашув

Кеча Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашида «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларга етказилган зарарни қоплаш ва жабр кўрганларга бир йўла нафақа бериш қоидаларини амалга ошириш устидан назорат қилишда касаба уюшмаси қўмиталарининг роли» мавзuida семинар бўлиб ўтди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг етакчи мутахассиси Қ. Дабобоев маъруза қилди. Ҳаётий мисоллар, қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари билан далилланган ҳулосалар ҳар бир касаба уюшма етакчисининг фаолиятида асқотишини семинар қатнашчилари эътироф этдилар.

Тадбирда «Ишонч» ва «Ишонч-Довение» газеталари бош муҳаррири А. Абдураззоқов иштирок этиб, таҳририятда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида гапириб берди. Обуначиларнинг талаб-истаклари асосида мазкур нашрларни янада ўқимишли қилиш ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

Зафар кучган заршунослар

ТҮЙГА МУНОСИБ ТҮЁНА

Танти ва мард қашқадарёликлар Қарши шаҳрининг 2700 ва буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига муносиб тўёна ҳозирладилар.

Юртбошимизнинг меҳнаткаш инсонга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори туфайли фермерлик ҳаракати кенг кулоч ёйиб, ер ўз эгасини топганлиги, деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги юксалиб бораётганлиги, бир сўз билан айтганда, қишлоқда ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлиги бу улкан муваффақиятни таъминлади. Қабул пунктларига 426 минг тонна юқори сифатли пахта топширилиб, шартнома режаси ошириб адо этилди.

Йигим-теримдаги юксак сифатли ва уюшқоқлик, дала меҳнатчилари, теримчи ва хашарчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлиги, иш ҳақи даланинг ўзида тарқатилганлиги, илғорларни ўз вақтида рағбатлантириб борилганлиги ўз самарасини берди.

Эртапишар ва ҳосилдор пахта навлари экилиб, агротехника талаблари асосида парвариш қилинганлиги, деҳқон, фермер хўжаликлари минерал ўғит, техника, ёқилги-мойлаш материаллари билан тўлиқ таъминланиб борилганлиги зафар омили бўлди.

Тоғлар бағрида жойлашган Китоб тумани пахтакорлари 3150 гектар майдонда ҳозиргача 11 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказдилар. Катта галабага тумандаги «Лочинтирноқ», «Абдулла ота», «Отамурод ўғли Аскаржон»,

«Саъдин Жаббор», «Отакул бобо Тошев» каби фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Яккабоб, Шахрисабз туманлари заршунослари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, 7-10 миллиард сўмдан даромад олишди. Яккабобнинг «Оққушлар салтанати», «Қирқинор тоғи», Шахрисабзнинг «Жўрақобил Туропов», «Бунёдкор Абдусаломов», «Тўхта бобо фарзандлари» сингари фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 45-50 центнердан ошиб кетди.

Жорий йилда 50-70 минг тонналик хирмон яратган Касби, Миришкор, Нишон, Қарши, Косон, Муборак туманларининг пахтакорлари ҳам зафар маррасини ишғол қилдилар. Чироқчи, Ғузор, Қамаш туманлари довол сари жадал сўрзат билан боршяпти.

Тадбиркорларнинг республика танловида «Энг яхши ҳомий» деб топилган «Хўжаёр ота» фермер хўжалигининг жамоаси 400 тонналик хирмон яратди. Ушбу тумандан Пирмат Каримов, Раҳимиддин Турдиев, Моҳира Аллаёрова каби фермерлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ери бойнинг — эли бой. Бугунги фермер ҳақиқий ислохотчига айланди. Оладиган даромади ва буромадини яхши билади. Косон туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулла Шодмонов йиллик режани ўн иш кунида бажариб, 2480 нафар фермернинг орасида биринчиликни қўлга киритди. Юз миллион сўм даромад, шу жумладан, 40 миллион сўм соф фойда олинди.


Миришкор туманидаги 300 тонналик мўлжални эгаллаган Файзулла Лутфиев раислик қилаётган «Камалак» фермер хўжалиги 7 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратиб, Обод қишлоғидаги

умумтаълим мактабини таъмирлади, 30 дан ортиқ кам таъминланган оилага чорва моли ва бугдой тарқатди. Муборак туманидаги «Илҳом» фермер хўжалиги раиси Юсуф Чориев она заминга меҳр қўйган, деҳқончилик касбини улуглаган инсон сифатида ўзини намойн қилди.

Чандир чўлларида пахта етиштирган Мухтор Шаропов, касбилик Файрат Ражабов, Шавкат Турсуновларнинг меҳнат зафари мақтовга лойик.

Саксон ёшни қоралаган Баҳром бобо Пирмов истиқлолнинг дастлабки йилларида Косоннинг Бойтерак қишлоғида фермер хўжалиги ташкил қилиб, бундан икки йил муқаддам уни фарзанди Бахтиёржонга топширган эди. Бугунги кунда ваъдасини бажариб, 40 миллион сўм соф фойда олган ёш фермер кекса отахону онахонлар, теримчи ва хашарчиларни дала шийпонидан тўплаб барчага мукофот топширди, қарияларга тўн кийдирди.

Қарши туманидаги «Лёва» фермер хўжалиги раҳбари Лев Николаевич Ким, «Исмоил Бозоров» масъулияти чекланган жамияти, Касби туманидаги Алишер Навоий номли тажриба, Шароф Рашидов номли «Элита» уруғчилик хўжаликлари, Қамаш туманидаги «Бунёд», «Дала юлдузи», Ғузор туманидаги Бўстон массивида жойлашган «Шой-



мардон бобо Пўлат ўғли» фермер хўжаликлари пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга, қишлоққа саноатни олиб кириш учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Прокуратура, ички ишлар идоралари, касаба уюшмалари, умуман барча жамоатчилик деҳқонларга камарбаста бўлди.

Меҳнат завқи, галаба гашти бўлакча. Зафар кучган деҳқон ютуқларини янада кўпайтирсам, эл фаровонлигини оширишга ҳисса қўшсам, дейди.

Бултур вилоятда деҳқончиликдан 76 миллиард сўм соф фойда олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич юз миллиард сўмдан ошади. Замин бағрида фидойи деҳқон меҳнати билан бунёд бўлган «Оқ олтин» хирмонлари юксалипти. Қашқадарёнинг 500 минг тонналик улкан хирмонини яратиш учун кураш авжи қизгин паллага кирган.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
Довуд МАДИЕВ,
«Ишонч» мухбирлари

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, йигим-теримни уюшқоқлик билан давом эттираётган сирдарёлик миришкорлар ҳам зафар маррасини кучган илғор вилоятлар сафига қўшилди. 115 минг 300 гектар майдонда ғўза парваришлаган чўлқуварлар қабул пунктларига 250 минг тонна пахта топшириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажарди. Бу барча вилоят меҳнаткашларининг улкан зафаридир.

Шу боис ҳам Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари пахта йигим-теримида иштирок этган хашарчилар меҳнатини муносиб баҳолашга, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратди.

Сайхунободлик пахтакорлар соғлиқни сақлаш ходимлари кўмагидан беҳад мамнун. Соҳа ходимларидан бир гуруҳ кўнгилчилар мададкорлар сафида пахта ҳосилини саранжомлашга кўмаклашмоқда.

— Хашарчиларга барча шарт-шароит яратилди, — дейди мададкорлар саркори, вилоят болалар шифохонаси қошидаги поликлиника мудири Абдували Шаматов. — Хар ўн кунда илғор теримчилар моддий жиҳатдан

РАҒБАТ ЮТУҚҚА УНДАДИ

рағбатлантириб борилди. Бу эса одамларнинг унумли ишлашига имкон яратди.

11 октябрь кунини пешиндан оққанда соғлиқни сақлаш ходимлари Марказий Кенгашининг Сирдарё вилояти вакили Раъно Абдалимова далага ташриф буюрди. У кўпминг килограммчилар Гулистон шаҳар «Тез ёрдам» кўналғаси ходимлари Малоҳат Йўлдошева, вилоят қон қуйиш кўналғаси ходими Зафар Мирзаев, юқумли касалликлар шифохонаси ходими Фарида Норжигитова ва бошқаларга Марказий Кенгаш ва Вакилликнинг эсдалик совғаларини топширди. Мавсум давомида соҳа ходимлари тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг 2,5 миллион сўмлик мукофотида сазовор бўлишди.

Шунингдек, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши, ёқилги-энергетика ходимлари касаба уюшма вакиллиги томонидан ҳам хашарчилар рағбатлантириб борилди.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

«Бандлик» дастури

ДОИМО ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Касаначилик ва тadbиркорликнинг қарор топганлиги боис Бухорода яна 450 нафар киши доимий ишли бўлди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси, касаба уюшмалари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида тасарруфдаги туман ва

маҳаллалардан 600 нафардан зиёд киши иштирок этди.

— Ширкат хўжалиги тугатилиб, экин майдонлари фермерлар ихтиёрига ўтгандан буён бекор юргандим, — дейди жондорлик Адиз Холиқбердиев. — Меҳнат ярмаркаси орқали фабрикада яхшигина моянали ишга жойлашдим.

Вилоят марказида йил бошидан буён ана шундай тadbирнинг бешинчи бор ўтказилиши. Унда одамларни ишга жойлаштиришдан ташқари касб-ҳунарга йўналтириш, уста-шоғирдик анъаналарини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шокир ЮНУСОВ,
Бухоро вилояти

Эъзоз

НАФАҚАДОРЛАРГА ЭЪТИБОР

Ҳукуматимизнинг Оролбўйида экологик вазиятни мўтадиллаштириш, айниқса, аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, саломатлигини муҳофазалашга доир қарорларини ҳаётга татбиқ қилишда «Экосан», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамкорлигида иш олиб боришга қўл келмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 97 мингдан ортиқ кексалар бепул диспансер кўригидан ўтказилди. 70 минг киши эса шифоналарда ётқизилиб, соғломлаштирилди. Яна шунча киши мамлакатимиздаги сиҳатгоҳларда дам олишди.

Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш ишларига саноат корхоналари қаторида тadbиркор ва ишбилармонлар ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган даврда уларнинг ташаббуси билан 26 миллион сўмлик доридармон, ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия маҳсулотлари етказиб берилди. 10 минг нафақадорга автотранспортлар хизматидан имтиёзли фойдаланишига шароит яратилди. Нуронийлар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик учун ҳукуматимиздан миннатдор бўлишмоқда.

Болтабой ЭРНАФАСОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

Маънавият

КУТУБХОНАЛАР 9 ТАГА КЎПАЙДИ

Ёшлар маънавиятини шакллантириш ва дунёқарашини кенгайтиришда кутубхоналарнинг ўрни бўлакча. Шаҳрихон туманида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда маҳаллалардаги ва ширкатлар тасарруфидаги 50 дан ортиқ маънавият маркази қайта таъмирланиб, мустақиллик шуқуҳи билан йўғрилган китоблар, дастур ва қўлланмалар ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари билан бойитилди.

Аҳолининг бўш вақтларида бу жойларга келиб китоб мутулаа қилиши учун етарлича шароитлар яратилган.

Яқинда кутубхоналар яна 9 тага кўпайди. Туман марказида, академик Тошмухаммад Саримсоқов номли ширкат хўжалигига қарашли Карнайчи, Қўрғонча, Бешмаҳалла, Толмозор, Ваҳим каби қишлоқларнинг аҳолиси ҳам энди ўзларининг замонавий кутубхоналарига эга бўлишди. Янги кутубхоналарнинг китоб фондиди тўлдиришга ширкат хўжалиги қаторида яқка тартибдаги тadbиркорлар, фермерлар ҳамда саноат корхоналари яқиндан ёрдамлашмоқда.

Муҳаммаджон МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
Андижон вилояти

Тараддуд

Ўтган йили қиш мавсуми оқдарёлик газ таъминоти ходимлари учун анча ташвишли кечган эди. Айрим муаммоларнинг вақтида бартараф этилмагани сабабли туман марказидан олисда жойлашган «Самарқанд» ва «Гулистон» ширкат хўжаликлари ҳамда Бошдархон каби қишлоқлардаги аҳолига мўлжалдаги табиий газ етказиб берилмади. Бу — уларнинг

УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

ҳақли эътирозига сабаб бўлган эди.

Камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилиб, бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Жумладан, 105 минг аҳолига етадиган газ захираси яратилди. 31 километр узунликда қувурлар тортилиб, Авазли маҳалласи, «Янгиобод», «Зарафшон», «Лойиш» каби ширкат хўжаликлари тасарруфида яшовчи аҳолига табиий газ етказиб берилмоқда. Даҳбед ва Жомбой қишлоқларига 9,5 километр узунликда қувур тортилиб, синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, газни тежаш ва ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят газ таъминоти мутахассислари билан ҳамкорликда хонадонларга босқичма-босқич ҳисоблагичлар ўрнатилаяпти.

Баҳодир КУБАЕВ,
Самарқанд вилояти

Моҳият

Жавонмардлик,
яъни сахийлик ул-
дурки, кетатурғон
ва қошида турғонни
эҳсон қилурдав яқсон
бўлғай.

Ҳақим Ат-ТЕРМИЗИЙ

Урганч шаҳридаги «Миниакумулятор» жамиятида тайёрланаётган сифатли аккумуляторлар нафақат юртимизда, балки Туркменистон ва Россия давлати бозорларида ҳам харидор-гир.

Ўтган даврда истеъмолчи талаб-эҳтиёждан келиб чиқиб қўшимча цехлар барпо этилди ва ёшларга касб-ҳунар сирлари ўргатилди. Ана шу цехларда кунига 30 тоннадан зиёд хом ашё қайта ишланаяпти.

Тadbиркорлик

— Корхонамизда йилига 3000-3200 дона аккумуляторлар

Хорижликларга манзур

тайёрланаяпти, — деб таъкидлайди жамоа раҳбари Арслон Қаландаров, — 50 нафар киши доимий иш билан таъминланган.

Изланса, имкон топса бўларкан, деганлари бежизга

айтилмаган. Шу пайтгача аккумулятор учун ишлатиладиган кўрғошинни катта маблағ ҳисобига четдан келтиришарди.

Мутахассислар уни иккиламчи хом ашёдан тайёрлаш йўлини топилди. Бу — сарф-харажатларни камайтиришдан ташқари қўшимча 20 кишини ишли бўлишига имкон берди.

Дилдора МУХАМЕДОВА,
Хоразм вилояти

Обуна — 2007

Азиз муштарийлар!

Мамлакатимизда фаолият юритаётган газеталарнинг ҳар бири ўз овози, ўз мухлисига эга.

Улар орасида инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган «Ишонч» газетасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Газета жамоаси келгуси йилда ҳам Сиз азиз муштарийлар кўнглидаги гапларни айтишни, долзарб мавзуларда чиқишлар қилишни режалаштирган.

Шундай экан, сеvimли газетангизга келгуси йил учун обуна бўлишни унутман!



Мулоҳаза

Кишилиқ жамиятида инсон зиммасидаги бурч ва вазифалар шундай тақсимлаб берилганки, уни ўзгартирмақ ёки инкор этмоқ асло мумкин эмас. Жумладан, ота-она бўлиш бахти, масъулияти ҳам ана шулар сирасига кириб, у ҳатто табиатнинг энг муҳим қонуни ҳисобланади.

Ота-она... Бу сўз ҳар бир фарзанд учун азиз ва қадрли. Оила дея аталмиш шоҳ асарнинг ижодкорлари — эркак ва аёлнинг ота-она сифатидаги мавқеи азалдан мустаҳкамлаб қўйилган, яъни ҳар бир оилада ота-онанинг ўз ўрни бўлмоғи лозим. Аввало, ота-она бўлмоқликнинг ўзи бахт. Бу бахтни мукаммаллаштириб, сайқал бериб янги-янги орзуларни рўёбга чиқариш кидан доносабрлик, то

Болакайнинг бу гапларидан, шижоат ва донолигидан таъсирланган подшо ҳалиги кишини озод этибди ва «Қанийди, ҳамма ота ўз фарзандига шундай тарбия берса. Ахир бу фарзанд отасига раҳмат келтириш билан бирга, унинг ҳаётини ҳам сақ-

Ота

НОМШИ УЛУҒ

унга сира гард юқмасин



қатни талаб этади. Айниқса, бу борада барча замон ва маконда отанинг ўрни алоҳида таъкидланган. Унинг оиладаги асосий вазифаларни адо этиши, хусусан, фарзандлар тарбиясига масъуллиги қайд этилган. Бир сўз билан айтганда, оталар оила устун саналган. Устунлари бақувват оила доимо эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган. Борди-ю ота оилада ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлмаса, фарзандлар тарбиясига бепарво бўлса, бу ўз-ўзидан унинг мавқеиға ҳам салбий таъсир кўрсатади, албатта. Чунки ушбу вазиятда унинг ўрнини она эгаллайди. Маълумки, юмшоқ табиатли оналар фарзандларига нисбатан раҳмдил ва меҳрибон бўлишади. Бу эса боланинг тарбия жараёниға бевосита таъсир қилади. Мутахассисларнинг фикрича, болага хулқ-атвор кўпроқ онадан, характер отадан, қиёфа эса ҳар икки томондан ўтар экан. Тарбияда ота мавқеининг пасайиши фикран мустақил, жисмонан етук бўлмаган, номукаммал фарзандларнинг вояға етишиға сабаб бўлади.

Ривоятларда келтирилишича, бир кишини тухмат туфайли ўғрилиқда айблаб зиндон банд этишади. Ўша замонда ўғирлик қилганларнинг қўли кесилар эди. Ҳалиги кишининг ҳам қўлларини кесиш учун майдонга олиб келишганида томошаға йиғилган оломон орасидан бир болакай отилиб чиқади ва шу ерда ўтирган подшоға шундай дейди: «Тўхтанг, илтимос, отамнинг қўлларини кестирманг. Агар сизға қўл керак бўлса, мана менинг қўлларимни кестиринг. Чунки мен ҳали ёшман, отамнинг эса уйда мендан ташқари яна тўртта фарзанди бор. Агар сиз отамнинг қўлларини кестирсангиз укаларимни ким боқади, ким уларни оталик меҳри билан эркалайди, ким қаттиққўллик билан тарбиялайди? Ахир буларнинг ҳаммаси учун қўл керак, шундай эмасми? Менинг отам ҳалол, виждонли ва қўрқмас одам. Бизға ҳам худди шундай тарбия берган. Сиздан илтимос, адолат қилинг. Ҳақиқий гуноҳқорни жазоланг, фақат отамни эмас».

лаб қолди», деб унга кўп совгалар ҳам берган экан. Демак, эл қорига ярайдиган, муносиб фарзандларға қарата «Отангға раҳмат!» дейилиши ҳам бежиз эмас экан-да. Бугунги кунда отасига раҳмат келтириш у ёқда турсин, балки уларни ранжитаётган, дилини оғритаётган фарзандларни кўриб афсусланасан киши. Ушбу ҳолат кўплаб оталар тарбия масаласига юзаки ёндашаётганидан далолат эмасми?

Гарчанд фарзанд тарбиясида ота-она тенг асосда масъул бўлса-да, бироқ азалдан ота деган ном ниҳоятда улуғланган. Ҳатто ота ўтирган уйнинг томига чиқиш ҳам айб саналган. «Ота рози худо рози» деган мақол замирида ҳам бир олам маъно мужассам. Фарзанд йўлга отланганида ёки бирор юмушға киришишдан аввал отасининг оқ фотиҳасини олган.

Модомики, оталар шаъни, қадр-қиммати шунчалар улуғ ва азиз экан, бугун ҳам ана шу улуғлик сақланиб қолганми? Бизнинг замонимизда ҳам улар оиладаги мавқеини юксаклигича тутиб туришибдими? Бу каби саволларға дафъатан «ҳа» дея жавоб берадиган кишилар кўп. Лекин надоматлар бўлсинки, бироз ўйлаб, иккиланиброк жавоб берадиганлар ҳам йўқ эмас. Сабаби, ёши улуғларға, падари бузрукворға эҳтиром ва иззат-икром кўрсатиш, улар олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги, азалий одат саналиши уқтирилаган бир паллада баъзи бир ноқобил фарзандлар ҳам учраб турадики, бундан сира кўз юмиб бўлмайди. Шу боис айрим оилаларда ота обрўси пасайиб бораётгандир балки. Мат-

буотда, радио ва телевидениеда отасини алдаган, хўрлаган, ундан бир оғиз ширин сўзини, бир чимдим меҳрини дариг тутган, ҳатто унга қўл кўтарган, отанинг қотили бўлишгача борган нобакор фарзандлар ҳақида баъзан ўқиб, эшитиб қоламиз. Қадим замонларда отаға қўл кўтарган фарзанд оқпадар са-

налиб эл ўртасида шарманда қилинган, халқ улардан юз ўгирган. Қолаверса, тарихдан маълумки, ўз отасининг қотили бўлган Абдуллатиф мана нечасрлар ошибдики, «падаркуш» дея лаънатлаб келинади.

Қарс

икки

қўлдан бўлган «чиқади, деганларидек, баъзан бундай нохуш ҳолатларға, яъни фарзандларнинг ноқобил, тарбиясиз бўлиб вояға етишиға оталарнинг ўзи ҳам сабабчи бўлиб қолмаяптимикин, деган савол туғилади.

Бир аёл билан суҳбатимиз мавзуси болалар тарбиясига бориб тақалди. Шунда у «Агар бола оилада отанинг ўрнини ҳис этса, уни ҳурмат қилса ва ўрناق олишға интилса унинг тарбияси ижобий томонға ўзгарар экан, аксинча бўлса... Оиламдан оддий мисол. Мен биринчи синфда ўқийдиган ўғлимни ҳар куни дарсдан келгач, чойини ичираман-да, кейин бир зум ўйинға рухсат бераман. Сўнг уни дарсларини бажаришға ундайман. Агар шу маҳал отаси кўриб қолса «Қўй, индама, яна озроқ ўйнасин», дейди. Кечға бориб овқатланиб бўлгач, ўғлимға яна дарс қилиши лозимлигини эслатсам, отаси «Қўй, озроқ мультфильм томоша қилсин», дейди. Ана шундай озроқ-озроқлари билан боланинг тарбияси бутунлай ўзгариб кетди. Бугунга келиб у на мендан, на отасидан ҳайиқади. Ўз билганидан қолмайди. Ўқиш-ку буткул аро йўлда қолди. Энди бўёғиға бошим қотди. Отанинг эса бу ҳолатға ҳам парвойи фалак. Аксинча ҳали сигарет олиб келишға буюради, ҳали музқаймоққа пул беради. Энг ёмони, ота ўзининг салбий тарбияси, намунаси билан қизимни ҳам талтайтириб юборди. Менға алам қиладигани, агар отанинг ўзида фикр, болаларни тарбиялашда манتيқий усули бўлмаса, онанинг барча уринишлари бефойда экан».

Аёлнинг аламли сўзлари

ҳар бир кишини мушоҳадаға ундаши шубҳасиз. Сабаби отанинг вазифаси, фарзандларға берадиган тарбияси уларнинг келгусида қандай инсон бўлиб етишишларига жуда катта таъсир қилиши айни ҳақиқатдир.

Шифохонаға бир қариндошимнинг ҳолидан хабар олгани бордим. У киши билан бир хонада ётадиган аёлнинг олдиға турмуш ўртоғи келиб қолди. Шунда у аёл одоб билан салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашди. Гапнинг очиги, уларнинг суҳбатини четдан туриб кузатган одамнинг ҳаваси келади. Мени ана шу ҳавас тарқатмаган ҳолда аёл турмуш ўртоғини кузатиб қайтгач, суҳбатға тортидим. Атайлаб, «Турмуш ўртоғингиз жуда қаттиққўл бўлсалар керак-а?» дея савол бердим. Шунда аёл: «Нималар деяписиз, ўрни келганда, у кишидан меҳрибон одам топилмайди, ўрни келганда эса қаттиққўлликни ҳам жойиға қўядилар. Биласизми, биз турмуш қурган чоғимизданок оилада эр-хотиннинг ўрни ҳақида қатъий қарорға келиб олган эдик ва ҳозиргача ана шу қарор билан иш кўрамиз. Худогача шукр, фарзандлари-

борган хонадондан, келин туширган жойимиздан ҳам бирор ноҳўя сўз эшитмадим. Бунинг ҳаммасида турмуш ўртоғимнинг хизматлари бекиёс, десам янглишмайман. Энг муҳими, у киши фарзандлар тарбиясига оқилона ёндашди, шунинг натижаси ўлароқ улар ақлли, баркамол бўлиб вояға етишди. Бир инсон орзу қиладиган бахтға эришдик, яъни бу бахт фарзандларим камоли тимсолида намоён бўлапти».

Энди тушунгандирсиз, ота тарбияси оилада нечоғлик муҳим эканини. Икки оилада икки хил муҳит, икки хил тарбия ва ушбу тарбия маҳсули. Бундан кўриниб турибдики, оталик масъулияти бутун бир хонадоннинг келажаги, бахти ва иқболини ҳам таъминлар экан. Шу ўринда жамият фаровонлиги бевосита оиланинг бутунлиги, мунаввар келажаги билан ҳам белгиланишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Оила — муқаддас қўрғон. Унинг ўзига хос ёзилган ва ёзилмаган қонунлари бор. Ёзилмаган қонунларидан бири эса оталик масъулиятини ҳис этиш, уни мукаммал адо этиш, ота деган улуг номға муносиб



миз тарбияси, рўзгоримиз ҳар томонлама яхши. Беш фарзандимизнинг барчаси олий маълумотли, уйли-жойли бўлишди. Икки ўғлим ота касбини, бир қизим эса менинг қасбимни танлади. Қизларим

бўлишдир. Агар ҳар бир киши ушбу қонуниятға бўйсунса, уни адо этса фақат эзгуликка ёндашган ва оқибатда бахтға эришган бўлар эди.

Хидоят Жўраева,
журналист

Хафталик TV дастури

16-22 октябрь

Душанба 16

ЎЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Навой ҳақида ривоятлар».
9.20 «Олам ва одам» дастури: «Дунёдаги энг катта меҳмонхона».
«Болалар сайёраси»:
10.10 «Чиннинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 **2006 - Хомийлар ва шифокорлар йили.** «Саломатлик дастури».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Жаҳон мусикаси хазинасида». Француз мусикаси.
11.55 «КиноТеатр».
12.15 «Жайдари келин». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма.
театрининг спектакли.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Ўзбекистон аёли».
16.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Минг бир ривоят».
17.45 «Рамазон тухфаси».
18.05 Олтин мерос.
18.10 Қарши шахрининг 2700 йиллиги олдидан. «Бир обида сири». 1-қисм.

18.30 «Тақдир йўллари». Телесериал.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Сарой жаҳожири». Телесериал (Корея)
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ифрлар оғушида».
23.45-23.5 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастур очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Анонс.
18.00 «**БОБУР**». Телесериал.
18.35 Дилрабо.
18.45 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «**ШИМОЛ ТАФТИ**». Сериал премьераси (Япония)
20.10 Спорт-лото.
20.15 Ракурс.
20.30 UzEX.
20.35 Наво-SMS.
21.00 Омон бўлинг!
21.10 «**ЗЕРДА**». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «YOSHLAR» ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
00.00 - 00.05 Орзулар бекати.

TOSHKENT

18.30 «Тақдир йўллари». Телесериал.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.10 «Телекуррьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
19.50 2006-йил - Хомийлар ва шифокорлар йили. «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «**Пойтахт**» ахборот дастури (рус)
20.15 «Анонс».
20.20 «Эрудит» (рус)
20.35 «Гилдиракли уй». Илмий-оммабоп фильм. 6-қисм. /рус/.
21.00 «Интервью» (рус)
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекуррьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Ғуриланган». 1-қисм /рус/.
00.30 -00.35 «Хайрли тун, шахрим».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талкин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Мониторинг».
10.00 Детективлар.
10.30-11.40 «Оқ пудель». Болалар учун фильм.

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-«Трактор». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.55 «Сувда акс этган зафарлар». Хуж. фильм. «O'zbektelefilm».
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.55 «Ким нимага қодир?»
19.15 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
20.20 «Мени куттил».
21.10 «Футбол шарқи».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Проф-РИНГ».
22.40 «Муваффақият». Бадий фильм.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро»

9.05 «Сестры по крови». Т/С
10.00 «Поле чудес»
13.25 «Контрольная закупка»
14.00, 17:00 Новости
14.15 Криминальная Россия
14.50 «Любовь как любовь». Т/С
15.55 «Федеральный судья»
17.15 «Жди меня»
18.05 «Пять минут до метро». Т/С
18.55 «Сестры по крови». Т/С
20.00, 2:00 Время
20.30 «Звезда эпохи». Т/С
21.25 Спецрасследование
22.45 Теория вероятности
23.35 Гении и злодеи
0.10 Х/Ф «Флот Макхейла»
2.30 Х/Ф «Властелин бездны»

РОССИЯ

10.50 «Комната смеха».
11.50 «Частная жизнь»
12.45, 15:40, 18:40 ВЕСТИ. ДЕ-ЖУРНАЛЬНАЯ ЧАСТЬ.
13.00, 16:00, 19:00 ВЕСТИ.
13.45 Х/Ф «Смерть по завещанию»
16.40 «Обреченная стать звездой». Т/С
17.40 «Волчица». Т/С
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
20.15 Т/С «Тайны следствия».
22.10 Концерт
23.45 «Честный детектив»
0.15 «Синемания»
0.45 Х/Ф «Вперед! одни неприятности»
2.30 «Дорожный патруль».
2.40 Т/С «Гора»

НТВ

5.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8.00 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
9.00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9.20, 14:30, 17:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
9.55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
10.55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
12.30 Х/Ф «ИЗ ЖИЗНИ НАЧАЛЬНИКА УГОЛОВНОГО РОЗЫСКА»
15.25 Т/С «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА»
18.40 Т/С «СИНДИКАТ»
19.45 Т/С «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ-2»
21.45 Х/Ф «ОБМЕН ТЕЛАМИ»
23.55 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
0.50 Х/Ф «ГОЛОД»
2.35 СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО
3.25 Т/С «МЕДИЦИНСКОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ»

4.05 Т/С «СЛЕПОЕ ПРАВОСУДИЕ»

ТНТ

5.10 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ». Т/С
6.00 «Глобальные новости»
6.05, 11:00 «Никелоден на ТНТ»
7.20 Предприниматель
8.00 «ЗАМУЖ ЗА МИЛЛИОНЕРА». Т/С
9.00 «Школа ремонта»
10.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф
12.30, 18:00 Такси.
13.05 Деньги на проводе.
13.55 «НЕ МОЖЕТ БЫТЬ!» Х/Ф
16.00, 20:00, 23:15 Реалити-шоу «Дом-2. Осень = Любовь».
17.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф
19.00 «Няня спешит на помощь»
21.00 Х/Ф «ДОСТАТЬ КОРОТЫШКУ»
0.45 «Ночные игры»
1.10 «НЕ МОЖЕТ БЫТЬ!» Х/Ф

ТВ-3

7.00 Победоносный голос.
7.30, 9:00, 14:00 Про кино.
8.00 МУЛЬТФИЛЬМ
9.30 Т/С «КОМНАТА СМЕХА».
10.00 Х/Ф «ЗАПЛАТИ ДРУГОМУ»
12.30 Х/Ф «ВИВАТ, ГАРДЕМАРИНЫ!»
14.30 Т/С «КОМНАТА СМЕХА».
15.00 Х/Ф «ОЦЕОЛА»
17.00 Х/Ф «ЧАРЛИ - ОДИНОКИЙ КУГАР»
19.00 Х/Ф «ДРУГАЯ ЗАСАДА»
21.00 Киномания.
22.00 Х/Ф «ЧЕРНЫЕ ТИГРЫ»
0.00 Х/Ф «НЕОБРАТИМОСТЬ ПСИХОПАТ-2»
4.00 Т/С «ЧИСЛА»
5.00 Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»
6.00 Релакс.

Rambler

06.00, 11:00, 14:00, 18:00 «Новости высоких технологий»
07.00 «Соревнования на свалке»
08.00 «Города мира». «Амстердам»
09.00 «Сотворение мира». Т/С
11.30 «Вы - играй!»

12.30 «Дикая жизнь домашних животных»
14.30, 19:00 «@нгл. яз.»
16.00 «Города мира». «Рим»
17.00 «Мир природы»
18.30 «Банзай!»
19.30 «Наука из ничего - 4»
20.30 «Таласса. Люди моря»
21.30 «Тайны, магия и чудеса»
22.30 Т/С «Открывая древние цивилизации»

СТС

07.00 Т/с «Новая Жанна Д'Арк».
07.45, 14:05 МУЛЬТФИЛЬМ
08.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
09.00 Т/с «Петя-великолепный»
10.30 Х/Ф «Пирл Харбор»
17.00 Т/с «Комиссар Рекс».
18.00 Т/с «Петя великолепный»
19.00 Т/с «Зачарованные».
20.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»
21.00 Т/с «Кадетство».
22.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
22.30 Х/Ф «Под откос».
00.30 Т/с «Кто в доме хозяин?»
02.30 Т/с «Мертвая зона» Стивена Кинга.
03.15 Т/с «Veritas. В поисках истины».
04.45 Т/с «Части тела».

DTV-VIASAT

07.30, 15:30 МУЛЬТФИЛЬМ
09.00, 21:00 «САМОЕ СМЕШНОЕ ВИДЕО»
09.25, 16:30 КАК УХОДИЛИ КУМИРЫ
10.00 «ТЕЛЕМАГАЗИН»
10.25 «КАРДАННЫЙ ВАЛ +»
10.55 Х/Ф «В ШОУ ТОЛЬКО ДЕВУШКИ»
13.00 Т/С «РЫЦАРЬ ДОРОГ»
14.00 Т/С «КРУТОЙ УОКЕР»
15.00, 21:25 «КАЛАМБУР»
16.55 Х/Ф «ССОРА В ЛУКАШАХ»
19.00 «ФАБРИКА СМЕХА»
20.00 Т/С «РЫЦАРЬ ДОРОГ»
22.30 «ОСТОРОЖНО, АФЕРА!»
23.00 Т/С «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС»
00.00 Т/С «ЛАС-ВЕГАС»
01.00 «КАРДАННЫЙ ВАЛ +»
01.25 «КАПРИЗ»

Сешанба 17

ЎЗБЕКISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Навой ҳақида ривоятлар».
9.20 «Олам ва одам» дастури: «Ифрлар оғушида».
9.45 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.50 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телесериал.
2. «Чиннинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Риштон мужиззалари». «O'zbektelefilm».
12.25 «Одами эрсанг.»
12.45 «Сарой жаҳожири». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Заковат».
16.20 «Хамкорлик ришталари».
16.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 ИИВ хабарлари.
17.30 Олтин мерос.
17.40 «Минг бир ривоят».
17.45 «Рамазон тухфаси».
18.05 Қарши шахрининг 2700 йиллиги олдидан. «Бир обида сири». 2-қисм.
18.25 «Тақдир йўллари». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».

21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Сарой жаҳожири». Телесериал.
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Иадав ва сўнги олишув».
23.45-23.50 Тунги наволар.

YOSHLAR

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «mtrk.uz».
8.05 «**ЗЕРДА**». Сериал.
8.45 «Обид-шоу» архивдан.
9.25 Ракурс.
9.40 Journal.
10.00 Давр.
10.15 «**Ёлқон асираси**». Сериал.
11.00 «Оққуш». Видеофильм.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Сув остига саёхат.
14.00 «**ШИМОЛ ТАФТИ**». Сериал.
14.30 Бешбармоқ.
15.00 «**МУХАББАТ ҚАҲВАСИ**». Сериал.
12.25 «Одами эрсанг.»
16.00 Давр.
16.15 «**Севги фариштаси**». Сериал.
17.00 Даврининг боласи.
17.10 Болалар табассуми.
17.15 Шоҳсула.
17.35 Истиқбол тимсоллари.
17.45 Матонат.
18.00 «**БОБУР**». Телесериал.
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «**ШИМОЛ ТАФТИ**». Сериал.
20.10 «**ЖОКЕР**» телелотореяси.
20.15 Давр мавзуси.
20.30 CINEMANIYA.
21.00 Омон бўлинг!
21.10 «**ЗЕРДА**». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Наво-SMS.
25.50 «Моя мечта». Дунё таомлари.
23.20 - 23.25 Орзулар бекати.

TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **Салом, Тошкент!** Кунгилочар информацион мусикий дастур.
8.30 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.

9.15 «Телекуррьер-маркет».
9.30 Аёл қалби».
9.50 «Анонс».
9.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.25 Музыка SMS.
10.45 «Саломат бўлинг» /рус/.
10.55 «Гилдиракли уй». Илмий-оммабоп фильм. 6-қисм /рус/.
11.20 «Туризм ҳақида» /рус/.
11.50 «Интервью»/рус/.
12.00 «Анонс».
12.05 «Эрудит» /рус/.
12.20-14.00 Кино: «Ғуриланган». 1-қисм /рус/.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм. «Покахонтас».
18.10 «Телекуррьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 Музыка SMS.
19.50 «Соғини».
20.00 «**Пойтахт**» ахборот дастури /рус/
20.15 «Анонс».
20.20 «Эрудит» (рус)
20.35 «Гилдиракли уй». Илмий-оммабоп фильм. 7-қисм /рус/.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекуррьер-маркет».
22.10 «Бахтли бўлинг» /рус/.
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Ғуриланган». 2-қисм /рус/.
00.25 -00.30.Хайрли тун, шахрим».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультсериал.
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
9.20 «Спорт-клуб».
9.30 От спорти. Ўзбекистон биринчилиги.
10.00 «Детективлар».
10.30-11.20Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»-«Нефчи».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.50 «Футбол академияси».
19.15 «Уз-узига режиссёр».
20.00 «Вести».
20.20 «Криминал». Сериал.
21.30 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.
ЦСКА (Россия) - «Арсенал» (Англия) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танлафусда «Хабарлар» (ўзб. тилида)
23.30 Футбол. Европа чемпион

лар лигаси «Динамо» (Киев) - «Лион» (Франция) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
01.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11:00, 14:00, 17:00, 22:30 Новости
9.00 «Сестры по крови». Т/С
10.00 «Звезда эпохи». Т/С
11.30 «Лолита. Без комплексов»
12.25 «Детективы»
13.25 «Контрольная закупка»
14.15 Вне закона
14.50 «Любовь как любовь». Т/С
15.55 «Федеральный судья»
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Пять минут до метро». Т/С
18.55 «Сестры по крови». Т/С
20.00, 2:00 Время
20.30 «Звезда эпохи». Т/С
21.25 «Некуда бежать»
22.45 Искатели
23.35 Ударная сила
0.25 Х/Ф «Дженифер 8»
3.10 Т/С «Мертвая зона»

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Запрещенный концерт»
8.45, 12:45, 15:40, 18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00, 10:50 Т/С «Тайны следствия».
10.00, 13:00, 16:00, 19:00, 23:15 ВЕСТИ.
11.50 «Частная жизнь»
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры»
16.40 «Обреченная стать звездой». Т/С
17.40 «Волчица». Т/С
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
20.15 Т/С «Тайны следствия».
22.15 «Сталин и Третий Рим»
23.35 Х/Ф «Ретроград»
1.20 «Дорожный патруль»
1.35 Т/С «Закон и порядок»
2.25 Т/С «Гора»

НТВ

5.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8.05 «НАШЕ ВСЕ!»
9.00, 12:00, 15:00, 18:00, 21:00 «СЕГОДНЯ»
9.25 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10.00 Т/С «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»
11.00 «ДВЕ ПРАВДЫ»
12.25 Т/С «СИНДИКАТ»
13.25 Т/С «МЕНТОВСКИЕ

ВОЙНЫ-2»
14.30, 17:30 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15.20 Т/С «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ -2»
18.40 Т/С «СИНДИКАТ»
19.45 Т/С «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ-2»
21.45 Х/Ф «ГОЛОВА НАД ВОДОЙ»
23.40 «TOP GEAR»
0.10 Х/Ф «КОПИ ЦАРЯ СОЛОМОНА»
1.50 Т/С «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»

ТНТ

5.10 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ». Т/С
6.00 «Глобальные новости»
6.05, 11:00 «Никелоден на ТНТ»
7.20 Звезда на дороге.
8.00 «ЗАМУЖ ЗА МИЛЛИОНЕРА». Т/С
9.00 «Запретная зона»
10.00, 17:00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф
12.30, 18:00 Такси.
13.05 Деньги на проводе.
13.45 «ДОСТАТЬ КОРОТЫШКУ». Х/Ф
16.00, 20:00, 23:05 Реалити-шоу «Дом-2. Осень = Любовь».
19.00 «Голые стены»
21.00 Х/Ф «БЕЛЫЕ ХАЛАТЫ»

ТВ-3

7.00 Победоносный голос.
7.30, 9:00, 14:00 Про кино.
8.00 МУЛЬТФИЛЬМ
9.30 Т/С «КОМНАТА СМЕХА».
10.00 Х/Ф «ШУТКИ В СТОРОНУ»
12.30 Х/Ф «ВИВАТ, ГАРДЕМАРИНЫ!»
14.30 «Медицинское обозрение»
15.00 Х/Ф «ТЕКУМЗЕ»
17.00 Х/Ф «ЧЕРНЫЕ ТИГРЫ»
19.00 Х/Ф «ТЕМНАЯ СТОРОНА СОЛНЦА»
21.00 Киномания.
22.00 Х/Ф «БРЭДДОК: БЕЗ ВЕСТИ ПРОПАВШИЕ-3»
0.00 Х/Ф «ТУРБУЛЕНТНОСТЬ-2»
2.00 Х/Ф «СУДЬЯ ДРЕДД»
4.00 Т/С «ЧИСЛА»
5.00 Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»

Rambler

06.00, 11:00, 14:00, 18:00 «Новости высоких технологий»

07.00 «Наука из ничего - 4»
08.00 «Города мира». «Рим»
09.00 «Тайны, магия и чудеса»
10.00 Т/С «Открывая древние цивилизации»
11.30 «Вы - играй!»
12.30 «Мир природы»
14.30 «Экстра французский». Т/С
15.05, 20:30 «Таласса. Люди моря»
18.30 «Банзай!»
19.00 «Экстра французский». Т/С

СТС

07.00 Т/с «Новая Жанна Д'Арк».
07.45, 14:15 МУЛЬТФИЛЬМ
08.30 Т/с «Моя прекрасная няня».
09.00 Т/с «Петя-великолепный»
10.30 Т/с «Кадетство».
12.30 Х/Ф «Под откос».
17.00 Т/с «Комиссар Рекс».
18.00 Т/с «Петя великолепный»
19.00 Т/с «Зачарованные».
20.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»
21.00 Т/с «Кадетство».
22.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
22.30 Х/Ф «Теневой заговор»
00.30 Т/с «Кто в доме хозяин?»
02.30 Т/с «Госпиталь «Королевство»»
03.15 Т/с «Veritas. В поисках истины».
04.45 Т/с «Части тела».

DTV-VIASAT

07.30, 15:30 МУЛЬТФИЛЬМ
09.00, 21:00 «САМОЕ СМЕШНОЕ ВИДЕО»
09.25, 16:30 КАК УХОДИЛИ КУМИРЫ
10.00 «ТЕЛЕМАГАЗИН»
10.30 «КАРДАННЫЙ ВАЛ +»
10.55 Х/Ф «АМЕРИКАНСКИЙ КИБОРГ»
12.55 Т/С «РЫЦАРЬ ДОРОГ»
14.00 Т/С «КРУТОЙ УОКЕР»
15.00, 21:30 «КАЛАМБУР»
17.00 Х/Ф «БУДЬТЕ МОИМ МУЖЕМ»
19.00 «ФАБРИКА СМЕХА»
20.00 Т/С «РЫЦАРЬ ДОРОГ»

Чоршанба 18

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.15 «Олам ва одам» дастури: «Йадав ва сунгги олишув».
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Чиннинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.00 ИИВ хабарлари.
10.15 «Жаҳон нигоҳидаги шахар».
10.20 Д. Зокиров номидаги халқ чоғулар оркестрининг концерти.
10.40 ТВ анонс.
... йил 20 август куни тахминан соат 7,00 ларда Олчазор тумани Янги ҳаёт ҳўжалиги худудидан ўтувчи катта асфальт йўлнинг ҳаракатланиш қисмида 3. Мақсудов бош қисмидан оғир тан жароҳати олган ҳолда топилиб, тиббий ёрдам кўрсатилганлигига қарамасдан 21 август куни вафот этган.

Мақур жиноят иши юзасидан 20 августда Олчазор тумани ИИБ ТБ терговчиси Қораев томонидан ЖК нинг 104-моддаси биринчи қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, 3 сентябр куни ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмига қайта малакаланиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун Олчазор туман прокуратурасига юборилган. Олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида иш бўйича айбланувчи тарихида жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли жиноят ишининг тергови охириги марта янги йилнинг 20 мартада ЖКнинг 364-моддаси 1-қисмига асосан ҳаракатдан тўхтатилган.

Ҳукмларни кўздан кечирди. Сафар Келдиев. Нима иш қилган экан "Дастлабки тергов ва судда аниқланишича, у қўшнисининг ҳовлисида яширинча кириб, ошхона деворини бузиб, 50 минг сўмлик велосипедни ўғирлаш йўли билан талон-торож қилган. ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбли топилиб, тегишли мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилиниб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланиб, ...

Ажаб, биринчидан, дарвозаси очик ҳовлини уй-жой, оморхона ёки бошқа хона деб бўлмайди. Бу банд билан нотўғри квалификация қилинган. Иккинчидан, мол-мулкни мусодара қилиш жазо тизимидан чиқарилган. Муддати бор, апелляция тартибидан, про-

тест киритиш керак.

Туман судининг ажримини Нима қилишяпти? Иш судланувчининг, тарафларнинг иштирокисиз кўрилаяпти. Нима қилиш керак? Хусусий тартибда протест киритамизми? Эртага кўрамиз. Ҳаммасини йиғштириб сейфга жойлади.

Девордаги соат миллари 2 рақамни кўрсатарди.

Телефон қилди.

— Саломалайкум. Мен вилоят прокуратурасиданман. Навбатчи. Шерзод ака, эрта соат 9 да вилоят прокуратурасида мажлис бўлади. Масала: Диний экстремизмга қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш.

— Нима олиб бориш керак.

— Туман бўйича шунга доир маълумотларни олсангиз бўлади.

— Тушунарли.

Эрталаб вилоят прокуратураси мажлислар залига кириб борганида деярли ҳамма туман про-

Ҳаммамиз ҳамфикр бўлиб, Юртбошимизнинг даъватига жавобан, шу азиз диёримизнинг равнақи учун куйиб-ёнсаққина ривож топамиз, кўзлаган мақсадимизга, албатта, эришамиз, деган фикр кўнгилдан кечади.

— Юртимиз келажаги, халқимиз тақдирига лоқайд қараб бўладими?! Оддий инсонмисан, мансабдормисан, зиёлимисан шу азиз тупроқ ҳаққи, шу ризку насиба ҳаққи, буюк ўтмишимиз, шундай гўзал юртнинг фуқароси бўлганинг ҳаққи давлатимиз, азиз Ватанимиз олдида зимманга юклатилган бурчларингни ҳар қандай ҳолатда ҳам сидқидилдан бажаришинг шарт. Шу кайфият, шу руҳ вужуд-вужудимизга сингсагина, Ватанимиз мустақиллиги янада мустаҳкам бўлади. Ҳархил диний-экстремистик оқимлар ва қора ниятли кимсаларнинг тузоғига тушаётган ёшларнинг акса-

ўтмишга қайтишни орзу қилади! Нақадар бемаънилик бу!

Ҳаётни тўхташиб бўладими?! Биз дунёдаги тараққий этган давлатлар қатори адолатли демократик жамият барпо этиш йўлидан бораяпмиз ва бу йўлдан қайтмаймиз.

Баъзан атрофдагиларнинг боқибегамлиги, гофиллигидан хафа бўлиб кетасан киши. Бир-бирига сал эътиборли бўлсак, кишилар билан оддий мулоқот ҳам катта-катта кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиши мумкин.

Она Ватанимиз олдида ҳамиша қарздормиз. Шундай экан, ҳалол меҳнатимиз билан мустақил давлатимиз кудратининг юксалишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур. Шу нарса аёнки, аҳил ва кудратли, маънавий баркамол бўлсак, ҳеч қандай ганим бизнинг юртимизга дахл қилишга журъат

туманни тартибга солданинг.

— Ўшларни қамаганимиздан кейин тинчиди. Чеченлар бор эди-ку, Руслан билан Арслан, 12 та ўғирлик қилишган экан-эй. Ишқилиб, ҳовлилардан қўйларнинг йўқолиши тўхтади.

— Милиция — катта куч. Ишласа ҳамма жойни тартибга солади.

Дарё саёз тортиб қолган. Бир гуруҳ милиция ходимлари мурда ташланган жойдан салкам бир километр наридан излагани кетишти. Прокурорнинг ўзи Чориёр билан бирга қолди. Қайқни сувга туширишди. "Ўлик ташланган жойдан" беш юз метрлар чамаси сузиб боришди.

— Бошлиқ, ҳайло қалла кўринаяпти, ҳайло!

— Қани, қани?

— Ана, ана! Э, бошлиқ, топамиз дедим-ку, топамиз! Эрталабдан Худо деб чиққанман, — бақириб юборди у.

— Шошма, криминалистарни чақир, фотоаппарат, видеокамераларни олиб келишсин.

— Бошқа ўлик бўлса-чи?!

— Э, ўче-эй. Нафасинг курсин! Сувдан чиқармай туринглр. Ўғлини чақиринглр. Сувдан чиқарса бузилиб кетади, таниб бўлмай қолади.

Бирдан ҳамма жойни оперлар босиб кетди.

— Эй, Ўрзовой, юлгундан нарвон ясанглр, ўзинг секин олиб чиқасан.

Енига боргунча, сабри чидмай ходимлардан сўради.

— Эғнида кийими қандай?

— Фуфайка.

— Солдат қайиши борми?

— Кўринмаяпти.

— Ё, тавба.

— Бошлиқ, бор экан. Фуфайканинг тагидан яна бир фуфайка кийган экан, қайиш унинг устидан боғланган.

— Узилган жойи тикилганми?

— Ҳа, тикилган.

— Оёғида этиклари борми?

— Бир оёғида йўқ.

— Қўлига қара!

— Қўл териси ҳилвираб, оқ эм бўлиб қолган.

— Ёзув борми?

— Ҳа. Бир минг... бир минг...

тўққиз юз ... қирқ бир.

— О-о-о!

Чолнинг келини ва неварасини олиб келишди. Келин қайно-тасини таниб йиғлаб юборди. "Вой, амакижон-ей!"

Бўйни гумдонор айтган каби шарф билан бўғилган. Қандай боғланган бўлса, шундай турибди.

Мурда унча узок кетмаган экан. Ташланган жойда айланиб тураверган. Сув бир кўпайган-у, 600-700 метр оқизиб кетган.

Айниқса, Тўра Бўриевнинг хурсанд бўлганлигини айтмайсизми. "Қотилликни мени бўйнимга илшади, бошқаларга қилганим ўзимнинг бошимга тушади, деб кўрқандим. Авлиё отага бориб мол парчалаб бердим. Мусулмонбоддаги улуг зиёратгоҳга бори, Худодан гуноҳимни кечиришни ўтиндим".

Мурда топилгандан кейин 'Кўйли билан Толиб айбланувчи тарихида сўроқ қилинди.

Кўйли донг қотиб қолди. Кўзига ёш олдди.

— Кўйли нега йиғлайсан?

— Ака, гуноҳни яшириб бўлмас экан. Барибир ошкор бўларкан. Мен бир кишини ўлдирдим. Лекин, қанча-қанча кишиларни зор қақшатдим. Қарғишга қолдим. Одамларнинг сигири, қўй-эчкилари қолмади, ҳатто курка, товуғигача ўғирлаб, Шоқир билан "КамАЗ", "КамАЗ" бозорга олиб бориб сотдим.

Сувдан чиққандан сўнг кўмирдек қорайиб қолган мурдани расм-русмини қилиб кўмишди. Аза очини ҳам, очмаслиқни ҳам билмаган яқинлари маҳаллий удумга кўра оқу кўкка бурканишди.

Қатор ўғирлик ва босқинчилик жиноятлари содир қилган, одам ўлдирса-да, шамолдек эркин елиб юрган барзанги йиғитлар суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинди.



Фрош этилади

курорлари келиб бўлишган экан. Ҳамма бир хил кўк костюм, оқ кўйлак, қора галстукда.

— Э, Шерзод ака, келди-ми, деди кадрлар бошлиғи ҳовлиқиб ва дафтарига "Олчазор т." ёзуви тўғрисида белги қўйди.

Говур тинчиди. Ҳамма тик оёққа турди.

Раҳбарлар тўрдаги ҳайъат столига кўтарилди.

Прокурор вилоятдаги крими-

рияти носоглом муҳитда тарбия топган, маърифатдан йироқ, ҳатто, ўрта мактабдаги таълимни ҳам тузукроқ ёлчимаганлардир. Уларда ақл-идроқ, тушунча ўзига яраша. Бундай кимсалар Ватан кадрини, эл юрт дардини тушунишга ожиз. Уларнинг хира идрокларини пуч гоғлар ва галамис фикрлар билан тўлдириш осон.

Шу азиз ва бебаҳо заминни

этолмайди.

Узоқ йўлга чиққан карвон сингари сарбонимиз даъватидан руҳланиб, нури манзил сари даядил интилайлик.

Келинг, азиз ҳамкасблар, йулбошимиз атрофига жипслашиб, ким бўлишимиздан қатъий назар буюк келажакимизни яратиш учун яқдиллик билан мисли кўрилмаган вазифаларни ҳал қилайлик. Худо "насиб этса, оппоқ кексаликка етиб, ёшлигимизда халқимиз, Ватанимиз учун қанчалик наф келтирганлигимизни англаб, бу ёруғ дунёда вақтни беҳуда ўтказмаганлигимиздан мамнун бўлиб, қарилик ҳузур-ҳаловатини кўрайлик".

Йиғилишдан сўнг вилоят прокуратураси тарих музейини томоша қилишди. Бу даргоҳда кимлар ишламаган.

Кишининг жонини оладиган мажлис бўлмади. Аксинча, туман прокурорига илҳом берди, юрагига жўшқинлик бахш этди. "Шерзод, ишлашинг керак, ишлашинг керак, ишлашинг керак..."

Сув боғлангандан 5-6 кундан кейингина дарё сатҳи пасайди.

Прокурор ички ишлар бўлими идораси ёнидан пиёда ўтаётган эди, бир милиция ходими қўлини келкасига қўйиб салом берди.

— А, мулла Чориёр, ҳалиям юрибсанми микрорайонларда. Ай, сен чатоқ. Жиноятни очишга ёрдам бермаяпсан. Бугун ҳеч жойга кетма, бирга чиқамиз.

— Есть, ўртоқ бошлиқ. Чўпонни топамиз.

Милиционер прокурорга эргашди.

— Дуо-пуо ўқиб чиқдингми? Таҳоратинг борми?

— Бор, бошлиқ.

— Демак, бугун ишимиз юришади.

— Иншооллох.

— Мусулмон бўлиб қолибсан.

Сен маладес, тўртинчи митти-

Худо насиб этса, оппоқ кексаликка етиб, ёшлигимизда халқимиз, Ватанимиз учун қанчалик наф келтирганлигимизни англаб, бу ёруғ дунёда вақтни беҳуда ўтказмаганлигимиздан мамнун бўлиб, қарилик ҳузур-ҳаловатини кўрайлик.

нал вазият ҳақида дона-дона, муҳим сўзларга алоҳида ургу бериб сўзлади. Асосий мавзуга ўтди. Пастдагилар дафтарида тез-тез ёзиб ола бошладилар.

"...Юртбошимизнинг гапларини унутмайлик:

"Биз қандайдир, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуг мутафаккир ва саркардаларнинг воқисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқимиз".

Бу сўзларни эшитиб, қалбингни гурур туйғулари қамраб олади. Ўтмишни, бугунни ва келажакни яна бир бор идрок этасан. Елканда улкан ва шарафли вазифа борлигини теранроқ англай бошлайсан.

Эй инсон, гофил бўлма! Ганим зарбасининг менга дахли йўқ, деб хом хаёлларга берилма! Дунёнинг қай бир гўшаларида юз бераётган ноҳуси воқеалар юртимизда содир этилмади, бизни четлаб ўтади, деб ўйлама. Бизни Худонинг ўзи асради. Қабиҳ ниятли кучларнинг зарбаси мустақиллигимизга, бирдамлигимизга, фаровон ҳаётимизга, ўғил-қизларимизнинг бахту саодатига қаратилганлигини англаб етдингми?!

эъозлаш, уни кўз қорачиғидай асраш шартлигини уларнинг қонқонига сингдириб боришимиз зарур. Бунинг учун эса ёшларимиз ҳаётига яқинроқ кириб, йўл бошида гангиб турган, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган ўсмирларимизнинг ўз кучларига ишонч руҳини оширмағимиз лозим.

Юрт манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, Ватан равнақи учун жон куйдириб меҳнат қилишда ҳикмат кўп. Ҳар бир соғлом фикрга эга бўлган раҳбар, ҳар-бир фуқаро барча куч-қудратини, бутун борлигини юртимизга таҳдид солувчи душманларга қарши қўйиши даркор. Руҳида бу кайфият йўқ, боқибегам, гафлат уйқусиданги киши мансабдорми у ёхуд оддий фуқаро ўз Ватани бўлган жонажон Ўзбекистонига ҳам, халқига ҳам, қолаверса, ўзига ҳам дўст эмас. Такрор айтаман, халқ бошига тушган фалокатнинг ҳам бошини-га тушади, шунда эгаллаб турган курсинг ҳам, тўплаган бойлигинг ҳам асраб қололмайди сени. Қачон шуну тушунасан!

Конституциямиз асосида тараққийпарвар халқлар билан, ҳамжиҳатликда эркин ва фаровон ҳаёт кечириш орзуимиздир. Қайси маърифатли инсон, ёхуд халқ

✓ **Ҳикоя**

Биринчи-апрел куни мен ўқиган мактаб ўқитувчилари учун байрам эди. Ҳар йилги одатга кўра шу куни ўқитувчилар ўқувчиларни эргаштириб, тоққа саёҳатга олиб чиқарди. Ўзимиз билан банкада ивигилган қатик, барра пиёз, шувит ва яримтадан нон олардик-да, турна қатор бўлиб тизилишиб, қишлоқ оралаганча йўлга тушардик. Айрим ўқитувчилар эшак миниб чиқарди. Ушанда мен олтинчи синфда эдим. Эртага саёҳатга чиқишимиз керак. Негадир мен ҳам тоққа эшакда бормоқчи бўлдим. Катта отамнинг оппоқ, олдинги оёқларининг ички тарафида қора холи бор, думи ва ёли кўк аралаш хангиси бўларди. Лекин бўйи баланд бўлгани учун, унга бировнинг ёрдамисиз ўзим мина олмасдим. Бунинг устига, хангимиз бироз асовроқ ҳам эди. Гоҳида охурнинг устига чиқиб, бир сакраб миниб олганимда ҳам обқочиб кетар, гоҳида индамасди. Бир гал обқочиб кетганида ёмон йиқилувдим.

Саёҳатга чиқишимиздан бир кун олдин, бу жониворнинг думини ва ёлини қўй қайчи билан киртишлаб чиқдим. Ўзимдан икки-уч ёш катта болаларнинг айтишича, шундай қилсам эшак ювош бўлиб қолармиш. Қаёқда... ювош ҳам бўлмади, фақат кўрган одамнинг кулгусини қистайдиган кўринишга келди. Устига устак бундан катта отам ҳам хабар топди. Эртага «юриши» бор экан, «мени кулгига қолдирдинг, кўрган одам нима дейди?» дея роса койиб берди. Хуллас, ниятим амалга олмади, ҳамма қатори саёҳатга пиёда чиқадиган бўлдим.

Эртаси куни азонлаб уйғондим, онам халтачага майда-чуйда нарсалар соғиб, тайёрлаб қўйган экан. Уларни олиб мактабга югурдим. Кун ёйилиб, баҳор офтоби қиздира бошлаганида, йўлга тушдик. Хурсандчилигимизнинг чеки-чегараси йўқ, ҳамма бир-бирига қулиб қарайди, ўқитувчига биримиз Каптархона ёрғини томоша қилган, Қора зовни ҳам бориб кўришни айтсак, бошқамиз Рустам мерганнинг чорбоғи томон бориб, Зиндон сойга ошиб ўтишни таклиф этардик. Хуш кайфиятда келаётган ўқитувчимиз барчанинг фикрини маъқуллар, тоғда лолалар ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳам ҳар биримизга иккитадан ошиқ олмасликни тайинларди.

Ниҳоят Фиштбанд деган жойга етиб келдик, мана шу ердан тоғ бошланади, катта-кичик, узун-қисқа сойликлардан иборат қишлоқ ортада қолди. Буёғи тоғ... Саёҳатимиз бошланди. Фиштбанд икки тоғнинг кичрайиб келиб туташган жойида ҳосил бўлган фиштли банд бўлиб, қишлоқ одамлари томонидан ҳашар йўли билан қурилган эди. Унда қор-ёмғирли кунларда тоғдан оқиб келган сув тўпланар, одамлар бу сувдан экин-тикинларини суғорарди. Фиштбанддан ўтиб, тоғ этаклари бўйлаб қиялаганча юқори кўтарила бошладик. Тоғнинг нариги томони, Қора зов бўлса, тўғрида, икки тоғнинг ўртасидан туянинг ўрқачидек бўртиб турган баланд қоялар остида Каптархона ёрғини жойлашган. Ундан ҳам нарида 20-30 оила яшайдиган кичик тоғ қишлоқчаси бор...


Биз у томонга ўтишдан олдин, тоғнинг орқа тарафидаги Қора зовни томоша қиладиган бўлдик. Унгача анча йўл, баланд тоғни ошиб ўтиш зарур, бунинг устига тоғнинг айрим жойларида эҳтиёт бўлмаса, оёқ тойиб пастга қулаб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчимиз бизни ҳар қадамда тўхта-

тиб, хавфсизроқ жойлардан юришга чақирарди. Биз эса кулоқ солмаймиз, тошдан-тошга сакраб, баландга кўтарилаверамиз. Тоғ ҳавоси ўзгача, нафас олиш енгил, ҳаммаёқда ба-

бошлаган эдим, Асрор биқинимга туртди:

— Анавиларни қара, зовга тушишгапти.

— Ким!? — деб бошимни кўтардим.



Қора зов

ҳор нафаси сезилиб турибди. Қора зовни томоша қилиш иштиёқи бизга тинчлик бермасди, бир пасда тоғнинг устига чиқиб олдик. Тоғнинг тепа қисмида тош кам учрайди, барқ уриб ўсган ям-яшил майсалар, ёқимли иси атрофни тутган кийик ўтлар оёқларимиз остида ястаниб ётар, икки томонга кулоқ ёзган оч яшил тусдаги андизлар майин эсаётган шабададан гўё рақсга тушаётгандек енгил тебранарди. Тоғ ёнбағирлаб пастга, Қора зов томонга туша бошладик. Одатда тоққа кўтарилишдан, пастга тушиш қийинроқ кечади, эҳтиёткорлик билан қадам ташланмаса, оёқ тойиб гавда оғирлиги билан пастга думалаб кетиш мумкин. Шунинг учун ҳам жуда секинлик билан пастга туша бошладик ва бир пасда тоғнинг этагига — Қора зовнинг лабига етиб келдик.

Тоғ этаклари бўйлаб ҳайбатли жарлик ҳосил бўлган. Уни халқ Қора зов деб аташади. Худди ёрғини эслатувчи Қора зов уч томонидан улкан қоялар билан ўралган бўлиб, бошидан охиригача қора-кўнғир тошлардан иборат эди.

Қоялар устидан қараганда зов қоп-қора бўлиб кўринар, баъзида унга қарашга ҳам юрак дов бермасди. Лекин қияроқ, юриш мумкин бўлган жойлардан секин-секин унга туша бўлади. Зов остида киши ўзини улкан ёрғинда тургандек ҳис этарди. Қисқаси Қора зовга тушиш кишига ўзгача бир завқ бағишларди. Ўқитувчимиз унга тушишга рухсат бермади, «жимгина ўтиринглар» дея уришиб берди. Шунга қарамай синфдошим Асрор иккаламиз ҳамма кетган, сездирмай орқада қолиб, Қора зовга тушишга келишиб олдик. Келишувимиз амалга ошадиган бўлди, секин-секин орқада қолиб, тоғнинг ковагига беркиниб олдик, буни ўқитувчимиз ҳам, синфдошлар ҳам сезмади. Асрор иккаламиз орқага қайтиб, яна Қора зов бошига келдик.

Мен кўрқа-писа зовга қарай

Қарасам, зовнинг нариги бўйида тошлар орасида кўриниб-кўринмай бир йигит ва қиз пастга тушиб борарди. Улар бизни кўрмади. Мен Асрорнинг қўлидан шартта тортдим, негадир яширинишимиз керакдай ўзимизни тоғнинг панасига олиб, уларни қузата бошладик. Асрор йигитни таниди:

— У Тов қишлоқдан, отамнинг жўраси Нурилла чўпоннинг ули Йўлчи ака-ку! — деб бошини чўзиб-чўзиб қараб қўйди.

Асрорнинг отаси ҳам чўпон бўлиб, у отасининг отига мингашиб, Тоғ қишлоққа кўп келган, бу ердаги одамларнинг кўпчилигини танирди. Кўринишидан йигит билан қиз ниҳоятда бахтли эди, ҳар қадамда бир-бирига қараб кўяр, қулайроқ жойда тошга суянганча, қўлларидан чўгдек тоғ лолаларни бир-бирининг юзига босар, йигит қизни шартта қучоқлаб, юздан тез-тез бўсалар олар, ҳеч қўйиб юборгиси келмасди. Пастда Қора зов ваҳимали хувилар, Асрор иккаламиз эса, тоғнинг панасидан мўралаганча, ўзгача бир завқ ва ҳавас билан уларга қараб турардик.

Шу пайт қаршимиздаги баҳайбат қоя устида, оқ-пушти рангда гуллаган наъматак орасида турган иккита каклик бирданига сайраб юборди. Какликларнинг сайрашини эшитган қиз ўзини тезда йигитнинг қучоғидан олди. Иккала каклик ҳам бир-бирига навбат бермай узоқ сайради. Биз эса ҳамон мўралаб турибмиз. Йигит билан қиз секин-секин пастга бошладик, йигит олдинда, қиз орқада бир нималар деб қулиб, бир қўли билан тоғни ушлар бир қўлидаги лолалар билан йигитнинг ёлкасига оҳиста уриб кўярди. Тоғларда ёғин кўп бўлгани учун, баҳор кезларида то кунлар исиб ёрнинг нами қочганича тоғ-тошларининг юза қисми мўрт бўлади, сал нарсага уваланиб кетади. Шунинг учун ҳам бу пайтда тоғ саёҳа-

ти осон кечмайди. Улар Қора зовга етай деб қолганда, қиз оёғини қўйган тош ногаҳон ўпирилиб кетди. У чинқирганича пастга қулади, қўлидаги лолалар ҳар тарафга сочилиб кетди. Йигит турган жойида қотиб қолди. Сўнг ўзига келди-да, тошдан-тошга сакраб ўтиб, унинг олдига югурди. Биз ҳам тоғнинг панасидан чиқиб, сочлари тўзғиганича, типирчилаётган қизга қараб турардик. У оёқларини ерга уриб, бошини кўтаришга ҳаракат қилар, лекин сира овози чиқмасди. Йигит унинг олдига етиб келгач: тур! тур! тур! — дея йиғламсираб бақирарди. Бир пасдан сўнг унинг «энди мен нима қиламан», дея алам ва қаҳр билан қичқириб йиғлагани эшитилди. У гоҳ ўзини қизнинг устига ташлаб йиғлар, гоҳ ерни муштлар эди. Йигитнинг овози бутун оламни тўтиб кетди, у қичқирар, тоғу тошлар унга акс-садо берарди...

Мен кўрқиб кетганимдан дир-дир титрай бошладим. Асрорнинг ҳам ранги оқариб кетган эди. Биз шу заҳоти «ўқитувчиларга бориб айтайлик», дея уларнинг орқасидан

югурдик. Юришимиз сира уммасди, кўрқувданми, ҳаяжонданми гоҳ мен, гоҳ Асрор олдинга ўтиб чопардик, оёғимиз салга тойиб йиқилиб тушамиз, яна туриб чопамиз. Ниҳоят уларга етиб олдик. Каптархона ёрғинга чиқаверишдаги булоқ бўйида ям-яшил бўлиб турган қари тут соясига ўқитувчилар, ҳар бир синф алоҳида-алоҳида бўлиб, уйдан олиб келган ёгуликлар билан тамадди қилаётган экан. Синф раҳбаримиз бизни кўриши биланок, «қаерда юриб-сизлар», дея уришиб берди. Кўрққанам учунми ҳеч тилим айланмасди. Асрор кўрганларимизни уларга гапириб берди. Хуллас, бу воқеадан ҳамма хабар топди. Синф раҳбаримиз ва икки ўқитувчи Қора зовга йўл олди...

Куни бўйи томоғимдан ҳеч нарса ўтмади, онам тайёрлаб берган ёгуликларни очиб ҳам кўрмадим, тоғ лоласининг атиги биттасини ҳам узгим келмади. Пешинда Қора зовга кетган синф раҳбаримиз ва икки ўқитувчи қайтиб келди. Улар йигит ҳам, қиз ҳам Тоғ қишлоқлик эканини, бундан уч кун олдин турмуш қуришиб, бугун қишлоқ одатига кўра тоққа саёҳатга чиққанини, уч кунлик келинчакнинг бошидан қаттиқ яраланиб, шу заҳоти жон берганини қуёниб гапириб беришди. Улар Тоғ қишлоқликларни воқеадан хабардор этиб келишган экан.

Кун қайтиб, баҳор салқини сезила бошлаганида қишлоққа қайтдик. Тоғ-тошлар аро юриб келар эканмиз, негадир ҳамма жим эди. Қутилмаганда бир каклик тепамиздан пирр этиб учиб ўтди-да, тоғнинг нариги бетига бориб кўнди ва тошлар орасидан чўзиб-чўзиб сайрай бошлади: каки-лик, каки-лик, каки-лик... Бу эса менинг қулоғимга «у ўлди, у ўлди...» дейётгандек бўлиб туюларди.

✓ **Янги китоблар**

АВВАЛ ЎҚИБ КЎРИНГ сўнгра баҳо беринг

«Яхши китобни йўқ қилмиш яхши одамни ўлдириш билан баробар. Чунки ким одам ўлдирса, ақлли мавжудотни ўлдирган бўлади. Лекин ким яхши китобни йўқ қилса, тафаккурни ўлдирган бўлади.

Мильтоннинг ушбу фикрини бежиз келтирмадим, сабаби бугун ёшларнинг китоб ўқишга бўлган муносабати дилимга гашлик солади.

Институт ва университет парталарини тўлдириб ўтирган талабаларнинг аксариятини фақатгина компьютер ўйинлари-ю, росту ёлғондан иборат интернетдаги хабарлар қизиқтиради, десам тўғриси янглишмаган бўламан. Аммо...

Инсон тафаккурининг махсули бўлмиш компьютерлардаги тезкорлик ва қулайликларни инкор этишдан йироқман. Бироқ шу тарзда давом этаверса бир кун келиб ёшлар китоб ўқишига ким кафолат беролади.

Одатда бундай ҳолларда баъзи ёшлар «Бугун ўқишга арзигулик яхши китоблар чиқмаяпти» деган фикрни, тўғрироғи баҳонани айтишади.

Аслида ҳам шундайми? Йўқ, албатта.

Бугун юртимизда бир қатор нашрётлар томонидан яхши китоблар нашр этилмоқда. Биргина «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китобхонларга ажойиб китоблар тақдим этмоқда.

Улар орасида ёзувчи Жўра Фозилнинг «Айрилиқ остонаси» китоби алоҳида ўрин тутаяди. Ушбу тўпламга «Айрилиқ остонаси» тарихий романи, «Бухороий шариф элчилари» тарихий қисса ҳамда замонавий мавзудаги ҳикоялар киритилган.

Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда тарихимизнинг ўғзахон салтанати билан боғлиқ даври, улкан салтанат тузиш йўлидаги интилишлари, курашлари, машаққатлари ва охир-оқибат эришган ғалабалари қаламга олинган.

Ҳар сонияда шиддат билан ривожланиб бораётган давр руҳи янада кўпроқ ўқиб-ўрганишни, ўз устида ишлашни тақозо этади. Бунда бизга энг яқин ёрдамчи китоблардир.

Ана шунда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган Иброҳим Ғофуровнинг «Жаё — халоскор» номли китобини кўлингизга олинг. Икки жилдан иборат асарнинг биринчи китобига муаллифнинг кейинги йилларда ёзилган бир неча туркум нарий назиралари, мансуралари ҳамда мумтоз адабиёт, улуг сиймолар, мумтоз тарих йўлидаги бадиалари ва ҳикоялари киритилди.

Муаллиф бу мўъжаз лирик асарларини «Менинг романларим» деб атади. Дарҳақиқат, улар инсон умрининг ҳар сониясида бўлган ҳали ёзилмаган, лекин асли мўъжизага тенг, жонли романларнинг жавҳари, қаймоғи каби гўзал таассурот қолдиради.

Китобни ўқиш давомида шундай фикрларга дуч келасиз.

«...Тўсиқлар сенинг имтиҳонинг. Ҳар бир одам ўз тўсиқлари билан бирга туғилади. Тўсиқ душман эмас. У одамнинг ақлига, фикрига, иродасига имтиҳон...». Яхши-си бу китобни ўзингиз ўқиб кўринг.

Этти шканим

савдо

Япония Вазирлар Маҳкама-си КХДРга қарши санкцияни маъқуллади.

Ядро синовларини муваффақиятли ўтказганини эълон қилган Шимолий Корея импорт молларини Японияга киритиш, сув худудидан кемаларнинг ўтиши, фуқароларнинг келиши таъқиқлаб қўйилди. Япония



Санкция маъқулланди

ҳукумати бош қотиби Ясухиза Сиодзаканинг маълум қилишича, бу янги бош вазир Синдзо Абэни давлат тепасига келиши билан боғлиқ қатъий сиёсатдир.

Россия ва Хитой эса КХДРга нисбатан АҚШ эълон қилган қаттиқ санкцияни қўллашга қарши. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хартиясининг еттинчи резолюциясида кўрсатилган ҳарбий куч ишлатиш ҳуқуқи Хитойга маъқул эмас.

ГАЗ ҚУВУРИ ПОРТЛАДИ

АҚШда газ қувири портлаши оқибатида 3 нафар киши ҳалок бўлди, 3 кишининг тақдири эса номаълум. Фожеа Янги Орлеандан 160 километр узоқликдаги Мексика бўғозида маҳаллий вақт билан соат 3 лар атрофида содир бўлган. Юк тортиб келаётган кема газ қувирига урилиб портлаб кетган. Аланганинг баландлиги 30 метрга етган.

ЛОЙИХА ТАЙЁР

АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашига киритилган Россиянинг Грузия бўйича резолюциясини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди. Россиянинг БМТдаги вакили Виталий Чуркиннинг сўзларига қараганда, лойиҳа БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйилади. Хужжатнинг бир овоздан маъқулланиб қабул қилиниши кутилмоқда.



Энг қиммат олди-сотди

Америкалик миллиардер Дэвид Геффен ўзига тегишли бўлган Жаспер Жонс ва Виллем де Кунингларнинг биттадан тасвирий санъат асарларини оз эмас, кўп эмас, 143,5 миллион долларга сотишга муваффақ бўлди.

Савдо хусусий тартибда, яъни, ким ошди савдосисиз амалга оширилди ва сўнгги йилларнинг энг қиммат олди-сотдиси сифатида баҳоланди, дея хабар беради The New York Times газетаси.

Абстракт услубда яратилган де Кунингнинг «Полиция газетаси» номли асари миллиардер Стивен Коэн томонидан 63,5 миллион АҚШ долларига сотиб олинди. Қизиги шундаки, ушбу асар 1973 йилда ким ошди савдосига қўйилиб, атиги 180 минг АҚШ долларига баҳоланган эди.

Жаспер Жонснинг «Фальстарт» номли асари эса Кеннет Гриффин исми эш миллиардер томонидан 80 миллион АҚШ долларига харид қилинди.



Турк романаписи Ўрхун Помук адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати бўлди. Ажабланарлиси, ушбу адибни ўз ватанида қадрлашмасанда, Фарбда ниҳоятда эъзозлашади.

Айтиш жоизки, унинг номзоди кўп йиллардан буён ушбу мукофотга номзодлар

Адабиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби

орасида учраб турарди. Аммо жорий йилда унинг омади чопди. Ниҳоят, 54 ёшли истеъдод соҳиби Швеция қироллиги академиясининг энг обрўли мукофотига сазовор бўлди.

Мукофот топширилишида «Она шахрининг қайғули қалбида маданиятлар учрашуви ва боғланиб кетиши учун янги ҳислатлар топа олган адибга» деган сўзлар айтилди.

Фарб билан Шаркнинг ўзаро боғлиқлиги ва икки олам орасидаги тўқнашув ёзувчининг романларида, айниқса, «Истамбул: хотиралар шахри» асарида аниқ намоён бўлган.

«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 16, 23, 30 ноябр кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида, объектининг бошланғич баҳоси қадам қадам ошиши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фелдшерлик хизматида қарашли куйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. Дамас русумли, д'р 10 ВС 543, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 200 000 сўм;

2. Дамас русумли, д'р 10 AR 773, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 1 800 000 сўм;

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи

миқдорида закат пули тўлаши шарт.

Заказат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг Тошкент шаҳар, С. Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2\4 даҳаси, М. Урозбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефон: 399-80-23

Солиқ ва ҳаёт

Хорижий ҳамкорларимизга имтиёзлар

Юртимизда ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришда хорижий сармояларни жалб этиш муҳим ўрин тутади. Шу маънода давлатимиз томонидан чет эллик сармоядорларнинг инвестиция киритишларини тўла қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Дунёдаги нуфузли фирма ва компаниялар диёримизда ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини эркин йўлга қўйишмоқда.

Яккасарой туманида 17 та хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар жойлашган бўлиб, улар ҳукуматимиз томонидан белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланиб келишмоқда. Хусусан, улардан 5 таси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилари ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2003 йил бошидан беш йил давомида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солигини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган, болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромад (фойда) солигини 7 фоизли ставкалар бўйича тўлаш имтиёзига эга бўлганлар. Микрофирма ва кичик корхоналар эса истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқ тўловини амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка миқдорига тўлайдилар. Шунингдек, маҳсулотларини дунё бозорига олиб чиқувчи 6 та хорижий сармояли корхона учун Президентимизнинг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидаги бироан экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганида даромад (фойда) ва мулк солиқлари ставкалари 30 фоизга, 30 ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этган тақдирда эса мазкур солиқ ставкалари икки бараварга камайтирилган.

Жумладан, «SGS Tashkent» хорижий корхонаси ўз хизматларини кўрсатиш эвазига жорий йилнинг 2-чорагида 1 059 833,93 минг сўм даромад олиб, шундан 601577,12 минг сўмни экспорт ташкил қилган. Шунинг ҳисобига даромад солиғидан 32785,7 минг сўм, қўшимча қиймат солиғидан 20011,6 минг сўм ва мол-мулк солиғидан 718,0 минг сўм имтиёз асосида тўловлардан озод этилди. «АйДемирТекстил» қўшма корхонаси эса ана шу муддатда 781815,8 минг сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 61803,1 минг сўмлик товарни четга экспорт қилган. Натижада 123360,6 минг сўм қўшилган қиймат солиғидан имтиёз олган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг тўқимачиликка инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари бўйича хорижий сармояли корхоналарга қатор энгилликлар яратилмоқда.

Яна бир жиҳати, улар орасида ҳукумат томонидан муддатсиз берилган имтиёزلардан фойдаланувчилар мавжуд эмас. Бундан кўриниб турибдики, чет эл инвесторлари юртимизга жиддий мақсадларда ва узоқ муддатни мўлжаллаб сармоя киритишмоқда.

А.РАСУЛОВ,

Яккасарой туман ДСИ хорижий сармояли корхоналарни бюджетга тўловлари тушумини, валюта ва экспорт-импорт операцияларини таҳлил ва назорат қилиш шўъбаси бошлиғи

Қинғир ишнинг қийиғи

Бугунги кунда контрабанда йўли билан республикаимиз ҳудудига кириб келаётган товарлар орасида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари кўплаб учрамоқда. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадидаги тадбирларнинг бирида фуқаро Ф.Каримовнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. У Россия ва Грузияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни контрабанда йўли билан олиб киришга уринган. Шунингдек, 4 миллион 715 минг сўмлик ароқ ва вино маҳсулотлари, 1 миллион 665 минг сўмлик тамаки ҳамда 790 минг сўмлик Россияда чоп этилган газета-журналларни Н.Жафаров бошқарувидаги энгил автомашинага юклаётган вақтда ходимларимиз томонидан ушланди.

Чилонзор туманининг Алгоритм мавзесида ўтказилган тадбирда фуқаро М.Зокиров «Нексия» автомашинасида Ўзбекистон акциз маркази туширилган, аслида чет элда ишлаб чиқарилган 834 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини олиб кетаётганлиги аниқланди. Олиб борилган суриштирув натижаларига кўра, у тамаки маҳсулотларини фуқаро Д.Хуршидовдан олганлигини тан олди. Д.Хуршидовнинг яшаш жойи текширилганда, омборхонада умумий қиймати 3 миллион 298 минг сўмлик «PINE», «ESSE», «SOBRANIE» ва «WINSTON» маркази тамаки маҳсулотлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди. Натижада божхона ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган ушбу тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

М. ФУЛОМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Учрашув

Бугунги саҳифамиз меҳмонлари Муқимий номидаги Ўзбек давлат музика театри актёрлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мехрихон Бекжонова ва унинг умр йўлдоши Саша Бекжонов, Мехрихон 1962 йилда Наманганнинг Поп туманида, Саша эса кўхна Хоразмнинг Хонка туманида 1961 йилда таваллуд топган. Тошкент Давлат санъат институтининг музикали драма актёрлиги факультетини олдинма-кетин битиришган...

Мехри саҳнада дастлаб «Лайли ва Мажнун»да Лайли, кейинчалик Зухра, Каромат, Гул, Ширин ва Гулсара ролларини ўйнади. Сашанинг дастлабки роли эса «Прометей» спектаклидаги ростгүй, садоқатли темирчи — Гефест образи эди. Бу моҳир, истеъдодли актёрлар театрда бир қатор спектаклларда турли хил образлар яратиш билан бирга «Шайтанат», «Чархпалак», «От эгаси» видеофильмларида бир-бирига ўшамаган образлар яратишган. Уларнинг қизлари Дилдора ҳам санъат йўлидан бориб, ҳозирда Санъат институтининг санъат журналистикаси факультетини тахсил олмақда, ўғиллари — Дийрбек мактаб ўқувчиси.

Санъатимиз равнақи йўлида баракали ижодда ҳам, ҳаётда ҳам фидойилик билан меҳнат



гиз бўлганми?

— Бўлган. Айниқса, ёшлигимизда. Бундай вазият ҳар бир оилада бўлиб турадиган ҳолат.

— Рашк қиласизларми?

— Соф муҳаббат эгаларида рашк бўлиши аниқ. Бир-биримизни севиб, муҳаббат билан турмуш қурганимиз, рашк қилишимиз табиий.

— Ишдан ҳориб-чарчаб,

Саша: — Мен ҳам айрим айбларни кечиршим мумкин, аммо хиёнатни асло кечира олмайман.

— Ҳақиқий дўстларингиз борми?

— Ҳақиқий дўстни шу кунгача топмадик. Лекин атрофимизда ошна-оғайниларимиз бисёр. «Дўст бўлсанг ёнимда тур» деганидек, ҳақиқий дўстлик, дўст бўлиш ҳамманинг кўлидан келавермайди. Дўстлик жуда чуқур маъно касб этади.

— Инсонларнинг қайси жиҳатларини ҳурмат қиласизлар?

— Самимий инсонларни ҳурмат қиламиз. Иккиюзламачи одамларнинг саҳнада артистлик қилгани бошқа, лекин ҳаётда артистлик қилган кимсаларнинг қилмишларини ҳазм қила олмаймиз.

— Армонларингиз борми?

Саша: — Шу кунларда отамонам ёнимизда эмаслиги, бизнинг яхши кунларимизни кўрмай кетганлари армоним.

Мехрихон: — Бекаму-кўст кишини армонсиз инсон ҳисоблайман. Менинг ҳаётда армоним йўқ.

— Ҳозирги кунда театрда қандай янги спектакллар яра-

Кўшқанот

қилиб келаётган Мехрихон ва Саша Бекжоновларни кўпчилик ихлосмандлар яхши билишади. Сашанинг онаси рус аёли бўлишига қарамай, уни ўзбек мактабида, кейинчалик эса музика мактабида ўқитишди. Уларнинг илк танишуви ҳам ўзгача бўлган. Саша тахсил олаётган санъат институти ётоқхонасида талабалар асарлардан лавҳалар тайёрлашарди. Барча эпизодларни яратиш учун актёрлар мавжуд, лекин келин образини ижро этиш учун ҳеч ким йўқ эди. Шу пайт Мехрихон дугонасини излаб хонага кириб қолади. Шунда қизлар қўярада кўймай, ундан бугунчалик келин ролини ижро этиб беришини сўраб, кўёв Сашанинг ёнига ўтқазиб кўядилар. Шу воқеа сабаб бўлиб, икковлон учрашиб қолишса, бири «Ҳа, келин бола», иккинчиси «Ҳа, кўёв бола» дея бир-бирига «гап котадиган» бўлишди. Талабалар

ҳам уларни ҳавас билан «Саша ва Маша» деб атайдиган бўлишди. Орадан кунлар, йиллар ўтиб, бўлажак санъаткорлар ўқишларини муваффақият билан тугатгач, ҳаётда ҳам муносиб, ҳақиқий келин-куёвга айланишди.

Халқимизнинг сеvimли актёрлари «Саша ва Маша»ларни мулоқотга чорладим.

— Эр-хотин санъаткорлар бир жойда меҳнат қилишлари яхшими ё ёмонми?

— Ҳам яхши, ҳам ёмон. Яхши томони кўпроқ, чунки ҳаммиса биргамиз, саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам. Ёмон томони эса ҳамма вақт бирга бўлганидан кейин, оилада болалар тарбияси, уларга ош-овқат тайёрлаш дегандек, оилавий юмушлардан кўнглимиз тўлмайди. Нима ҳам қилардик. Ҳозирча аравани биргаликда тортишга кўникаяпмиз.

— Вақт келиб бир-бирингиздан ранжиган вақтларингизда овқатни ким пиширади?

Саша: — Мехрихон пиширади, мен унга ёрдамлашаман.

— Севимли овқатингиз?

— Ўзбегимнинг хонадонидан паловхонтурадан ўтадиган таом бўлмаса керак.

— Фикрларингиз ҳаммиса бир жойдан чиқадими?

— Ёшлиқда аравани ҳар ким ўз томонига тортадиган пайтлар бўлган. Энди ёш улғайгач, фикрлар ҳам бирлашаркан.

— Тўйларга ҳам бирга бориб турсизларми?

— Мухлисларимиз, дўстларимиз тўйларига таклиф этишади. Бизнинг санъатимиз кимгадир керак бўлганидан бағоят хурсандимиз. Халқ эътиборидан четда қолишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

— Ҳаётда кечиримлими-сизлар?

Мехрихон: — Мен кечиримлиман.

— Таяписизлар?

— Ижро этган асарларимиз кўп. Ҳозирги кунда, жумладан Ҳолиқ Хурсандовнинг «Топталган туйғу», Санжарали Имомовнинг «Сойибхўжа операцияси», Ҳолиқ Хурсандовнинг «Муҳаббатим қисматим», Ҳайдар Муҳаммаднинг «Тошкентнинг назанин Маликаси», «Пари қишлоқ афсонаси», «Диёнатга хиёнат», «Бобур соғинчи» асарларида бош ва етакчи образлар яратганмиз. Томошабинларимиз бу спектаклларни севиб томоша қилишмоқда.

— Мухлисларингизга тилақларингиз?

— Иккаламиз ҳам санъаткор сифатида халқимизнинг хонадонларида ҳаммиса яхши кунлар, тўйлар бўлишини истаб қоламиз. Улар ҳаммиса соғ-саломат бўлишсин!

Сухбатдош:
Раҳимжон ОРИПОВ

Моҳият

Ақл улдурки,
сени ҳалок
қиладурғон ер-
лардин йироқ
қилгайдир.

Абу Али ФАРИЮМОДИЙ

Мушоира

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Республика Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлими ҳамкорликда Зулфия номидаги Давлат мукофоти адабиёт йўналиши бўйича совриндор бўлган қизлар ўртасида мушоира уюштирди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзолар иштирок этиб, ёш шоирлар ижодига муваффақиятлар тиладилар ва

уларни ҳаётнинг қайноқ жабҳасига кириб бориши, шеърининг қадим сўқмоқларида янги-янги кашфиятлар яратишларига тилак билдирдилар.

Шундан сўнг, Зулфияхоним қизлари бирин-кетин соғинч, меҳр-муҳаббат, қалб туйғуларига тўла сатрларини ўқий бошладилар. Уларнинг ҳар бири чинакамига истеъдод соҳибаси эканликларини ўқиётган шеърлари таъсирида залда ўтирганларнинг сеҳрланиб қолганлигидан билиш қийин

эмасди. Айниқса, Жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети талабалари Фароғат Жабборова, Гулбахор Қобулова, Тошкент маданият институти талабаси Дилбар Сиддиқова, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Дилфуза Маҳкамоваларнинг ўқиган шеърлари барчада катта таассурот қолдирди.

М. МАМАСОЛИЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Ishonch

Бош муҳаррир
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 153-52-78

Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остида чоп этилади.

Мунажжим башорати

(16 октябрдан 22 октябргача)

КҮЙ. Олдингизда турган вазифарларни ҳал қилишда сабрли ва қатъий бўлинг. Атрофдагиларда яхши таассурот қолдирасиз. Амалий алоқаларни мустаҳкамланг. Душанба ва шанба кунлари савдо бобида ишингиз бироз юришмаслиги мумкин.

БУЗОҚ. Пайшанба ва жума кунлари ишингиз юришади. Эски дўстларингизни учратасиз. Аммо янги таклифларга унчалик ишонманг. Ҳафтанинг охирида қутилмаган, лекин фойдали мулоқотлар бўлади. Ҳар қандай вазиятда хушқачқак бўлишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Сиз-учун самарали кунлар сешанба ва чоршанбадир. Шу кунлардаги учрашувларда янги танишлар орттирасиз. Пайшанба кунини муҳим ишга қўл урмаган маъқул.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафта боши ижодий иш учун қулай вақт. Қизиқarli сафарга чиқасиз. Узоқдан хушхабар келади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида оилавий ишлар билан шугулланинг. Пайшанба ва жума кунлари тушдан кейин ёқимли воқеалар содир бўлиши мумкин.

АРСЛОН. Бошлигингиз сизни қўллаб-қувватлайди. Соғлигингиз яхшиланади. Юқори лавозимларга эришиш учун қулай имконият туғилади. Фақат қоғозлар билан ишлашда хушёр бўлинг. Ҳар бир ишда меъёрга риоя қилинг.

ПАРИЗОД. Ҳамкорликда кенг қўламдаги ишлар билан шугулланишга тўғри келади. Ҳафтанинг бошида атрофдагилар билан мулоқот ижобий самара беради. Янги гоёлар туғилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўзаро муносабатлар жиддийлашишдан эҳтиёт бўлинг. Яқшанбада ҳеч кимга ваъда берманг.

ТАРОЗИ. Жиддий ишларга киришманг. Келажак ҳақида қайғуринг. Касб маҳоратингизни оширинг. Санъатга шайдо бўлинг, вақтингиз марокли ўтади. Муҳаббат бобида омадингиз келади. Дам олиш кунини кайфиятингиз аъло бўлади.

ЧАЁН. Ушбу ҳафтада яхши хабарлар эшитасиз. Ишда билим ва маҳоратингизни намоён қилиш фурсати келди. Ҳамкасблар орасида бўйингиз ошади. Фақат молиявий ишларни кейинги ҳафтага қолдирган маъқул. Жума кунини муваффақиятингиз оилангизга ҳам қувонч бағишлайди.

ЎҚОТАР. Лавозим бобида ва шахсий ҳаётда ўзгаришлар рўй беради. Ўзингизга ишончини йўқотманг. Душанбада ишлар бироз сустлашса, сешанбадан ҳаммаси изига тушади. Пайшанбада учрашув белгиламанг. Шанба кунини асосан оила муаммоларини ҳал қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ушбу ҳафтада ишларингиз унча юришмаслиги мумкин. Лекин атрофдагиларнинг ёрдами билан ҳаммаси яхши бўлади. Ишда ва молиявий соҳада муваффақиятга эришасиз. Душанба ва чоршанбада арзимас иқир-чиқирлар сизни банд қилиши мумкин. Пайшанба ва жумадаги харидингиз баракали бўлади.

КОВҒА. Ҳаётингиз ёқимли воқеаларга бой бўлади. Истеъдод ва гоёларингиз билан ҳаммани мафтун қиласиз. Фаолиятингизнинг янги қирралари намоён бўлади. Сешанба ва чоршанба сиз учун омадли кун бўлади.

БАЛИК. Атрофдагилар иқтидорингизни тан олади. Яқин кишилар билан учрашув марокли кечади. Сешанбада сизга жуда кўп кўнгироқлар бўлиши мумкин. Чоршанба ва жума кунлари кўнгилли дам оласиз. Яқшанбада ижодий иш билан шугулланинг.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - Р.Орипов
Мусаҳҳих - А.Ербеков

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский

Буюртма Г— 1115 | Тиражи: 7627

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Сотувда эркин нархда | 1 2 3 5 6 7 8